



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲОЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловчилари билан учрашуви қизғин давом этмоқда. Номзоднинг Тошкент шаҳридаги сайловчилари билан учрашуви ҳам самимий руҳда, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништиргандан сўнг, Хатамжон Кетмонов ўз дастурида илгарй сурилган ғоялар, белгиланган мақсад-вазифалар

ҳақида атрофлича маълумот берди.

Номзод, аввало, азим пойтахтимиз, бу ерда яшаётган оққўнғил, меҳрибон инсонлар ҳақида илиқ сўзлар айтди, кўҳна ва навқирон Тошкент мустақиллик йилларида дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланганини, бундан ҳар бир юртдошимиз ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади.

Хатамжон Кетмонов ўз Сайловчи дасури билан йиғилганларни таништирар экан, пойтахт аҳолиси учун муҳим масала — аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифлари ва нархларини мақбуллаштириш йўналишларига алоҳида тўхталди.

— Аввало таъкидлаш керакки, ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасида қатор амалий ишлар олиб-борилмоқда. Сўнгги йилларда аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган соҳадаги айрим муаммолар мутасадди ташкилотлар иштирокида босқичма-босқич ҳал этиляпти, — деди **Хатамжон Кетмонов**. — Табиий монополия субъектлари томонидан тақдим этиладиган хизматлар — электр ва иссиқлик энергияси, газ таъминоти, ичимлик суви нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини

такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳимоя борасида ҳам бир қатор масалаларни илгарй суряпмиз. Хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаъқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизimini шакллантириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

➤ Давоми 2-бетда.

САЙЛОВ — 2016

ҲУҚУҚИЙ ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Навоийда «Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш — демократик сайловларнинг муҳим омилли сифатида» мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Марказий сайлов комиссияси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 5-Навоий округ сайлов комиссияси аъзолари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилоят бўлими, миллий маданият марказлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, турли миллат вакиллари биллаштирган миллий маданият марказлари вакиллари ва имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, уларни сайлов жараёнида яратилаётган шартноларни тўғрисида хабардор этишда самарали ишларни амалга оширмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида вилоятдан 641 мингдан зиёд сайловчи иштирок этади, уларнинг 319 мингдан ортиғи хотин-қизлардир, — дейди Навоий вилояти ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Содиқова. — Бу сиёсий жараёнда тенглик, адолат ва демократия тамойилларининг ажқол ифодасидир. Вилоятдаги 363 сайлов участкасида 1 минг 600 дан зиёд хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

Семинарда иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

БИР ОДАМНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ЁКИ БИТТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ...

Аввал хабар берилганидек, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2017 йилга аҳоли бандлиги дастурини тасдиқлади.

Унга кўра, келгуси йилда 390 минг кишини доимий, 200 минг кишини қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда

мавсумий ва вақтинчалик, 309 минг кишини эса шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу кенг қамровли Дастурдан халқимиз, мамлакатимиздаги деярли ҳар бир оила

манфаатдор. Айниқса, бу Дастур таълим даргоҳларини тамомлаб, ҳаётга умид билан кириб келаётган ёшларимизнинг келажаги, тақдирида муҳим ўрин тутди.

➤ Давоми 2-бетда.

КЎРГАЗМА

ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ

ҳамкорлик ва тажриба алмашиш майдонига айланди

Бободехқонларимиз томонидан диёримизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ўзининг ҳуштаъмлиги, фойдали ва тўйимлилиги, сархиллиги билан нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорларида ҳам ўз харидорларига эга.

«Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтаётган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга ихтисослашган компаниялари иштирок этмоқда.

Шунингдек, кўргазмада Япония, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Бирлашган Араб Амириклари, Малайзия, Жанубий Корея, Хиндистон, Озарбайжон, Латвия, Эрон, Туркменистон, Афғонистон, Қозғистон каби ўттиздан зиёд мамлакатларнинг савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирлик ва

идоралари, логистика компаниялари вакиллари қатнашмоқда.



Мазкур кўргазма «Ўзбек-озиковқатхондиг», «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниялари, «Ўзбеккозиқовқат-захира» уюшмаси, «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компанияси ва «Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси» МЧЖ томонидан ташкил этилди.

Ярмарка озиқ-овқат саноатининг қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини қамраб олган бўлиб, унда полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоклар, зираворлар, хўл ва қуруқ мева, сабзавотлар, қўқатлар, ичимликлар, қадоклар ва қадоклаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид бўлимлар ишламоқда.

Ярмарка доирасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва уларнинг ҳамкорлари иштирокида давра суҳбатлари, музокаралар ташкил этиш, интенсив боғлар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ҳамда совутиш комплекслари-га ташрифлар уюштириш режалаштирилган.

Шаҳбоз САИДОВ

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу сайловнинг мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти, миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, сайловга қўрилатган тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Мустақиллигимиз асоси-си, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг бевақт вафоти барчамиз, бутун халқимиз учун огир жудодлик бўлди, — дейди М.Абдусаломов. — Юртбошимиз республикамиз деярли жар ёқасига келиб қолган, огир ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда кескин норозилик кайфиятини тугдирган мураккаб ва таҳликали бир пайтда республика раҳбари этиб сайланган эди. Буюк Юлбошимиз ўзининг оқил ва доно сиёсати, узоқни кўра олиши, ҳар бир муаммо ва масаланинг ечимини устида чўқур ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесини натижасида нафақат ўша даврда вужудга келган вазиятнинг янада чуқурлашиб, олов олиб кетишининг олдини олишга эришди, балки Ватанимиз истиқлолини эълон қилиб, уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқ фаровонлигини, унинг ҳаёт сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида оламшумул ютуқларга эришди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёни-нинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган кўлаб қонун ҳужжатларининг ташаббускори ва ижодкори бўлди. Ўзбекистонда демократик тамойилларга тўлиқ жавоб берадиган миллий сайлов тизими ва қонунчилиги яратилгани ҳам бевосита Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Бу ҳақда гапирганда, аксарият хорижий мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг кўлаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир, деган фикрда эканини айтиб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда яратилган ана шундай демократик сайлов қонунчилиги парламент, Президент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96- ва 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5- ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади ва 9 сентябрдан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда давлат бошқарувида президентлик институти асосий ўрин тутди. Мамлакатимиз хали собиқ иттифок таркибида бўлган даврда Ислам Каримов асос солган бу институт мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадам эди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан кейин президентлик институти ўзининг том маънодаги мазмун-моҳиятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келлишган ҳолда фаолият юритиш ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолатидир.

Мустақил Ўзбекистон тарихининг ҳозирги даврида олдинда нирхотда масъулиятли вазифа турлибди. Юртимиздаги тинчлик ва оқошталлиқ, фуқаролар ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини изчил юксалтириш бориш, Ватанимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши йўлидаги эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш бўйича стратегик ва устувор вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу маънода жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида гоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади.

Мазкур сайловга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик қўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошқора ва адолатли ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

— Президент сайловини демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказишни кафолатладиган ҳуқуқий асослар тўғрисида кенгрок маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиш ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Конституцияда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғриван тўғрй сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар яратилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

➤ Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ҲОЯЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлаган!

■ Сайловчилар Хатамжон Кетмонов дастурида муҳим ҳаётий
масалалар белгиланганини алоҳида таъкидлашмоқда.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов Тошкент шаҳри
сайловчилари билан учрашди

Номзод, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимига замонавий усуллари жорий қилиш, кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш, юқори сифатли таълим олиш ва мақбул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларида ўз таклифларини билдирди.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг дастурида белгиланган вазифалар бўйича муносабат ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Акмал ИНОҲОМОВ,
Олмасор туманидаги «Акмал
Зиё» хусусий корхонаси
раҳбари:

— Номзоднинг Сайловдда дастурида, биринчи навбатда, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш масаласи илгари сурилмоқда.

Маълумки, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим

шарти уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли кишилар муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлиши, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур. Аввало, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар биринчи иш ўринларига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш талаб этилади.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, номзод дастурида илгари сурилган бу ғоялар мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
44-оилавий поликлиника бош
шифокори, халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши
депутати:

— Мен номзод дастурида илгари сурилган аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масалаларига эътибор қаратишингизни хоҳлардим.

Хатамжон Кетмоновнинг имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солиш, бу борада тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш ҳақидаги таклифларини жуда ўринли, деб билламан.

Сабаби, биринчи тиббий ёрдамдан барча қулай ва тезкор фойдаланиши, кам даромадли одамлар учун ҳам унинг мақбуллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун оилавий поликлиникаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, одамларнинг тиббий-ҳуқуқий билимини юксалтириш талаб этилади.

Нуриддин ЖАЛОЛОВ,
Юнусобод туманидаги
«Октепа» маҳалла фуқаролар
йигини раиси:

— Номзод дастурида белгиланган яна бир муҳим вазифа диққат-эътиборимни тортди. Бу — адолат ва меҳр-оқибат, очиклик ва ошкоралик тамойилларини кенг қўлланган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириб бориш масаласидир.

Номзоднинг маҳаллаларга қуқур кириб бориш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд оилалар билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни жойида ҳал этиш ҳақидаги таклифлари жуда маъқул бўлди. Бу ғояларни фаол қўллаб-қувватлайман.

Дилафруз УСМОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
Конфудий номли Ўзбек-Хитой
институтини ўқитувчиси, Зулфия
номидаги Давлат мукофоти
соғириндори:

— Менга номзоднинг ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш ҳақидаги таклифлари маъқул келди.

Бир нарсаси кўп гувоҳ бўлганман. Жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, қўлидан иш келадиган кишилар бор. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

Хатамжон Кетмоновнинг таклифлари ана шу жиҳати билан аҳамият-ли, деб ўйлайман.

Учрашувда сўзга чиққанлар иштирокчиларни Президентликка номзод — Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

БИР ОДАМНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

ёки битта иш ўрни яратиш ўз-ўзидан бўлмайди...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Ёқуб УМАРОВ билан 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури, унинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Аввало, дастурнинг ус-тувор йўналишлари ҳақида маълумот берсангиз.

— Таъкидлаш жоизки, Дастурда демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган. Унда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шулар орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Дастурнинг шаклланиши бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Аввал унинг кўрсаткичлари туман, шаҳарлар, кейин эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида муҳокама қилин-япти. Шулар асосида мамла-кат бўйича таҳлиллар ва маълумотлар умумлаштирилиб, ҳуқуқмат томонидан дастур лойиҳаси ишлаб чиқилаяпти. Уни шакллантиришда меҳнат бозо-рининг, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш дастур-лари, иш ўринлари талаби,

фуқаролар ва давлат имконият-лари ҳисобга олинапти. Шунга мос равишда Дастурнинг ижро жараёни ва уни назорат қилиш механизми ҳам такомиллашиб борапти. Бошқача айтганда, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда барча ҳудудлар ва тар-моқлар қамраб олинапти, дав-лат ва жамиятимизнинг сайё-ҳаракатлари шу масалага йўналтирилмоқда.

Келгуси йилга мўлжаллан-ган Дастур янги объектларни ишга тушириш, фаолият юри-таётган ишлаб чиқариш қувват-ларини модернизациялаш, тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ма-салаларини қамраб олган.

Биринчи навбатда, саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис со-ҳаларидаги корхоналарнинг фаолиятини тиклаш, инфрату-зилма, коммуникация, уй-жой қурилиш ҳажмларини кенгай-тириш натижасида иш ўринла-ри яратиш режалаштирилган. Шунингдек, кичик бизнесни, жумладан, яқка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, деҳ-қон ва фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш, касана-чилик имкониятларини қулай-тириш назарда тутилган.

Дастур параметрлари ин-вестиция лойиҳалари, ҳудудлар ва тармоқларни ривожланти-риш дастурлари, тайёр маҳсу-лотлар, бутловчи қисмлар ва

материаллар ишлаб чиқариш-лари маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чу-қур қайта ишлаш, транспорт, коммунал хўжалиқ ва бошқа бозор инфратузилмалари қури-лиши чоралари билан ўзаро боғланган.

— Дастурдаги муҳим я-нгиллик ва ўзгаришлар нима-лардан иборат?

— Битта янги иш ўрни очил-ди, бир одамни ишга жойлашти-риш ўз-ўзидан амалга ошмай-ди. Иш ўрни яратилиши қўллаб-қувватлаш бўлиб, бунинг учун, аввало, меҳнат бозоридидаги та-лаб ва таклифни баҳолаш ке-рак бўлади. Дастурни шаклланти-ришда дастлаб шу масалага эътибор қаратилди.

Барча туман ва шаҳарлар учун 2017 йилда иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштириш бўлган эҳтиёж ҳамда ушбу та-лабнинг таркиби аниқланди. Бу эса таълим муассасалари (кол-лежлар ва олий таълим муас-сасалари) битирувчиларини, меҳнат мигрантларини, аҳоли-нинг ижтимоий заиф гуруҳла-рини, ишсизларни ишга жой-лаштиришнинг ҳақиқий имко-нияти билан йўналишларини аниқлаштириш имконини бер-ди.

Қорақалпоғистон Республи-каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 193 туман (шаҳар)-ларнинг эҳтиёжидан келиб чи-ққан ҳолда, асосий касблар

бўйича 2017 йилда иш ўрин-лари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзаси-дан буюртмалар шаклланти-рилди.

Бундан ташқари, кичик са-ноат зоналари ташкил этиш, қурилиш ва инфраструктура, қишлоқ хўжалигини, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тижорат банк-ларининг кредитлари эвазига тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолият-ини қулайтириш, иш ўринла-рини захиралаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича йўналишлар кенгайтирилди.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш керакки, кичик биз-нес, оилавий ва яқка тартиб-даги тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалиқларида аҳоли-ни ишга жойлаштиришнинг реал, мақбул шакллари таллаб олинди.

Келгуси йилдан бошлаб Дастур ижросини мониторинг қилишнинг самарали меха-низмлари жорий қилинади.

Барча туман ва шаҳарларда аҳоли, ёшлар, биринчи навбат-да, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг янги, амалиётда (Андижон вилояти-нинг Пахтабод туманида, На-манган вилоятининг Ҳўйи, Фар-ғона вилоятининг Қўштепа, Сирдарё вилоятининг Ховос, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ҳамда Сурхондарё

вилоятида) синовдан ўтган усулларини қўллаш белгилан-ган. Коллежларда битирувчи-ларни тадбиркорлик фаолият-ига тайёрлаш ва ишга жой-лаштириш бўйича махсус ўқу-в-амалий курсларни ташкил этиш, «Ўз бизнесингни ярат» махсус порталини яратиш ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, хом-ашё, ускуналар билан таъ-минлаш режалаштирилган.

— Бугун мамлакатимиз-да ҳар бир ота-она бандлик дастурининг аҳамиятини фарздлари тақдири билан боғлиқ ҳолда тасаввур эт-моқда, ўқини тамомила, ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз бу дастурга жуда муҳим ҳужжат, кела-жамиз кафолати, деб қарамоқда. Келгуси йилда касб-хўнар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жой-лаштириш бўйича қандай масалалар белгиланган?

— Мамлакатимизда касб-хўнар коллежлари битирувчи-ларини ишга жойлаштириш чора-тадбирлари улар ўқини тугат-ганидан кейин эмас, балки ун-дан анча олдин қўрилаггани жуда муҳимдир. Бундай ёнда-шув ёшлар бандлигини таъмин-лашда катта аҳамиятга эга бўляпти.

2017 йилда битирувчилар-ни ишга жойлаштиришга

қўмаклашнинг янги, самара-ли шакл ва усуллари жорий этилади. Хусусан, коллежлар таълим дастурига ишга жой-лаштириш ва ўз ишини очиб ма-салалари бўйича иккита ўқу-в-амалий курс киритиш, интер-нет тармоғида махсус портал очил-ди, меҳнат бозоридида талаб этилаётган касблар ва мута-хассисликлар ҳақида маълум-отларнинг намоишини таш-кил этиш режалаштирилди.

Тўрт томонлама шартнома-ларнинг самарадорлигини таъ-минлашнинг асосий шартлари, би-тирувчиларни ишга қабул қил-ганлик учун кичик корхоналар-га тақдим этилган имтиёزلар-дан кенгрок фойдаланиш бел-гиланган.

Тижорат банклари томони-дан битирувчиларга ўз ишини бошлаши ва юритиши учун им-тиёзли кредитлар ажратиш амалиётини изчил давом эт-тириш кўзда тутилган.

Кези келганда айтиш керак-ки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гу-руҳлари ва фракцияимиз ҳам-корлигида бандлик дастури ижросини ўрганиш, бу борада депутатлик, парламент ва жа-моатчилик назоратини амалга ошириш бўйича муайян таж-риба тўпланган. Ана шу таж-риба Дастур ижросига ҳисса қўшишимизда, партияимиз электорати манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишимизда асқотади, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА
суҳбатлашди.

■ МЕНИНГ БИРИНЧИ
САЙЛОВИМ

САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон ХДП
Тошкент шаҳар кен-
гаши Юнусобод ту-
ман партия кенгаши
билан ҳамкорликда
туризм касб-хўнар
коллежида «Менинг
биринчи сайловим»
лойиҳаси доирасида
давра суҳбати
ўтказди.

Унда партия ташкилотлари масъ-ул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди. Тад-бирда сайловда илк бор иштирок эта-ётган ёшларга сайловга оид қонун-чилик, сайлов кампанияси жараёнла-ри ҳақида атрофлича тушунчалар бер-рилди.

— Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайловида кат-та ҳозирлик кўриломоқда, — дейди **ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Мирзохид Хидиров.** — Конунга му-вофиқ, 18 ёшга тўлган фуқаролар Президент сайловига қатнашиш ҳуқуқига эга. Хўш, Президент сайло-вида биринчи марта қатнашадиган ёшлар, тенгдошларимиз мазкур му-ҳим воқеанинг масъулиятини қандай тасаввур қилмоқда? Улар юртимизда кечаётган сайлов билан боғлиқ



жараёнлардан қай даражада хабар-дор? Давра суҳбатида ёшлар бу ма-салалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазала-рини билдиришди. Уларнинг сайлов жараёнларига муносабатлари, ном-зодлар дастури билан танишаётгани бизни хурсанд қилди. Ўйлаймизки, та-рғибот тадбирлари ёшларнинг сай-лов ҳақидаги тушунчаларини бойи-тиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб эта-ди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳаяжон билан кутяпман, — дейди **Тошкент туризм касб-хўнар коллежи ўқувчиси Дилноза Дўстмуродова.** — Мамла-катимиз аҳолисининг катта қисмини мен каби ёшлар ташкил қилади. Бу эса уларнинг бўлажак сайловларда қатнашиши муҳим эканини кўрсата-ди. Сайловда фаол иштирок этиш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровон-лиги йўлидаги масъулиятдир. Шун-дай экан, ўз тақдирини мамлакат тақ-дирига ҳамбарчас боғлаган ҳар бир ёш Президент сайловида фаоллик кўрсатиши зарур. Мен ҳам ўз ҳу-қуқимдан, албатта, фойдаланаман.

Ўз мухбириимиз.

4 ДЕКАБРЬ —
САЙЛОВ КУНИ

■ Марказий сайлов комиссиясида кечаю кундуз ишлаб турадиган «ишонч телефони» (0 371 239-35-62), шунингдек, факс (0 371 239-42-43) ва электрон почта (ub_saylov@mail.uz) ишга туширилди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар адолатлилик, очиклик, ошқоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Миллий қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мушакил сайлов комиссиялари ҳақидаги меъёрий мустаҳкамлаб қўйилган сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

— **Сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда тўпланган демократик сайловлар ўтказиш таҳрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштирилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар ҳамда 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётганини кўрсатди.

Мамлакатимизда демократик ислотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга оширишга оид меъёрий қиритилди. Бу сайловда ташвиқоти ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш имконини берди.

2015 йилда ўтказилган Президент сайловидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг такомиллаштирилган ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишида енгиллик берилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари жами сайловчиларнинг умумий сони камида бир фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоён-даси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Илгари бу кўрсаткич беш фоиз эди.

Овоз бериш тартибига оид қонунларнинг такомиллаштирилгани сайловларни янада либераллаштириш, уларнинг очиклигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мушакил билдириши учун янада қулай шарт-шароит яратди.

Тараққий этган давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган сайлов кўни ва овоз бериш бошланғичига бир кун қолганда сайловда ташвиқотида йўл қўйилмаслигига доир норма ҳам қонунчилигимизга киритилди. Бу сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий ҳайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча имконият яратди. Бу овоз бериш кўни арафасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузишларнинг олдини олади.

Сайлов кўни айрим фуқаролар меҳнат таътили, хизмат сафари ёки ўқув фаолиятининг тартиби, давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, саломатлиги билан боғлиқ ўз-ли сабабларга кўра, ўз уйларида бўлмасликлари мумкин. Бунда сайловчининг бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бу жараён «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида ўз ифодасини топан. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда

бошланади ва сайловга бир кун қолганда тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланиб, сайловчилар, кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларининг эътиборига етказилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга киритилган эди. Бу амалиёт Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов вақтида, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси қарорига асосан 2015 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида муваффақият-ли синаб кўрилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида қамоқда сақлаш жойларида суд ҳукми чиқарилмаган шахсларнинг овоз бериши учун имконият яратилди.

Сайлов қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг ўндан зиёд низоми ва йўриқ-номаси қайта кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби-таомили, сайловда ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилиши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оид масалаларни тартибга соладиган ҳужжатлар янгиланган. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан бўлган кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши ҳақидаги норма мустаҳкамланди.

— **Сайловга тайёргарлик ишлари қандай кетмоқда?**

— Барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган тадбирлар тегишли қонунлар ҳамда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида олиб боришмоқда. Сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи тузилди, округ сайлов комиссиялари томонидан 9 минг 378 сайлов участкаси ташкил этилди. Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда 44 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилиб, уларнинг 12 нафари сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Сайлов округлари ва участкалари барча шарт-шароитга эга замонавий биноларда жойлаштирилиб, транспорт, ахборот-коммуникация ва алоқа воситалари, шу жумладан, интернетга уланishi имкониятлари билан таъминланмоқда.

Жисмоний имкониятлари чекланган фуқароларнинг овоз беришида иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар бир сайлов участкаси ногиронларнинг арава-чалари бемалол бинога киришини назарда тутадиган алоҳида пандус билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари, кабиналарнинг бири ногиронларнинг овоз бериши учун мўлжалланмоқда.

Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзуси бўйича турли рисолалар тайёрланмоқда, илк марта улар учун мўлжалланган сайлов бюллетенларини тайёрлаш режалаштирилган. Буларнинг барчаси имконияти чекланган шахслар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Маълумки, участка сайлов комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этиш сайлов кампаниясини тўғри олиб боришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу жиҳатга янада катта маъсуляти билан ёндашилмоқда, сайлов участкаларини тайёрлаш, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган энг босқичли семинар-тренинглар дастури ишлаб чиқилди. Мамлакат, вилоят ва туманлар миқёсида ташкил этилаётган мазкур тадбирларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича экспертлар ҳам бевосита иштирок этиб, участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш жараёни-ни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари долзарб масалалар бўйича участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакалари оширилмоқда.

Бугунги кунда сайлов участкалари фуқароларимизнинг нафақат ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, балки номзодлар сайловда дастурлари ва таржимаи ҳоллари билан танишиши учун сиёсий-маърифий марказга айлانган. Бу ерда сайловчи сайловга оид ҳар қандай маълумотни олиши мумкин.

Миллий сайлов амалиётимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунириш ишларини олиб боришни назарда тутди.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилмоқда.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар доирасида аҳолининг барча қатлами, хориждаги юрдошларимиз қамраб олинмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Байналмилал маданият маркази, фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини янада ошириш мақсадида турли акциялар ўтказмоқда.

Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларида оилавий овоз беришнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жойларда сайловчилар, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида семинарлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, мазкур мавзуда 100 минг ҳуш-хад ташвиқот плакатлари чоп этилиб, уларни одамлар гавжум масканларда жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан бирга муддатидан олдин овоз бериш, овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартибига бағишланган роликлар тайёрланмоқда.

— **Сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлган сайловда ташвиқоти давом этмоқда. Ушбу жараён ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Сайловда ташвиқоти сайлов кампаниясида гоят муҳим ўрин тутади. Бу жараёнга барча демократик давлатлар, жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ташвиқот номзодларга сайловчиларни ўз сайловда дастури билан таништириш имконини беради. 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун сайловга оид қонунчиликни такомиллаштириш ишларининг мантикий давоми бўлди. Мазкур қонунда сайловда ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакллари ва усуллари, оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқот олиб бориш, ОАВ орқали тарқатилган ахборотга қўйиладиган, масалан, унинг ҳаққонийлиги, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслигига доир талаблар батафсил баён этилди.

Қонунда босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида албатта кўрсатилиши лозим бўлган адал, босиб чиқрилган сана каби маълумотлар рўйхати ўз аксини топан. Бино, иншоотлар ва бошқа жойларда жойлаштирилган сайловда ташвиқоти материаллари сайлов кунидан бир кун аввал маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб ташланиши белгиланади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловда ташвиқоти юритиш, Президентликка номзодлар учун тенг шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳуусан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Президентликка номзодларга сайловчилар билан учрашув ўтказиш учун тегишли равишда жиҳозланган хоналар ажратиши, керакки маълумот ва ахборот материалларини олишига кўмаклашиши шартлиги белгиланди.

Бугунги кунда сайлов кампанияси, шу жумладан, сайловда ташвиқотини амалга ошириш жараёни-ни мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Сиёсий партиялардан келиб тушган тақдир ва истакларини инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловда дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Миллий телерадиокомпаниянинг 12 ҳудудий телеканалида 206 дақиқадан, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди. «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилмоқда. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловда ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тожик тилидаги «Овози тожи», «Овози Самарқанд», қозоқ тилидаги «Нури жол» газеталари нашр майдонидан бепул фойдаланади. Умуман олганда, сайлов кампанияси жараёнида ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тилда чоп этилмоқда. Бундан ташқари, қорей тилидаги «Корё Синмун», «Тхонил-Единство», арман тилидаги «Апага» каби нашрлар ҳам ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз муштариларини ушбу жараёнлар тўғрисида хабардор қилишлари диққатга сазовордир.

Номзодларнинг ҳар бири мамлакатимиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус

конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий гоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республикаимиздаги 36 электрон мониторда ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловда ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, усуллари ва мазмунини мушакил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловда ташвиқоти даврида тенг шарт-шароит яратиш таъмоили партия нашрларига нисбатан таъбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Бугунги кунда номзодлар сайловда ташвиқоти тадбирларини фаол олиб бормоқда, бу жараёнда уларга ишончли вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда.

Округ сайлов комиссиялари тенглик таъмоилига риоя қилинишини қаттиқ назорат қилмоқда.

Жойларда қонунчилик талаблари қай даражада таъминланаётгани мониторинг қилинмоқда ва бу борада Марказий сайлов комиссиясига кунлик ахборот берилмоқда.

— **Сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлаш учун сайлов комиссиялари қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?**

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиклик, ошқоралик ва транспарентлик асосида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти билан таништириш боради. Сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қилади. Сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништирилади, овоз бериш ва сайлов аяқларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кўни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама ҳолис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон», «Uzgerot» ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, шунингдек, округ сайлов комиссиялари ҳузурда ҳам шундай матбуот марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг барча қарорлари, низоми ва йўриқномалари қабул қилинган кўннинг ўзидаёқ комиссиянинг www.elections.uz манзили бўйича расмий веб-сайтига ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштириллаётгани, шунингдек, сайлов кампанияси билан боғлиқ маълумотлар, янгилликлар, матбуотда ва ахборот агентликларининг веб-сайтларида долзарб мавзуга оид эълон қилинган мақолалар, фото ва видеоматериаллар, эфирга узатилган интервью ва кўрсатувлар, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва уларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган роликлар,

чоп этилган сайлов мавзусига оид рисолалар сайтнинг тегишли бўлимларида акс этгани сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини таъминланаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси дастурига мувофиқ округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, хотин-қизлар, ёшлар, нурунийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, журналистлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар, сайлов комиссиялари олдига турган вазифалар, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Мазкур йўналишдаги сая-харакатлар самарасида сайлов кампанияси бошлангандан бери мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида бу мавзуда 9 минг 900 дан ортиқ, хорижий оммавий ахборот воситаларида 800 дан зиёд материал эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш чоғида қонунбузишларининг олдини олиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, улар юзасидан қонунда белгиланган қарорларни кўриш ҳамда округ, участка сайлов комиссиялари билан доимий алоқа ўрнатиши таъминлаш мақсадида 2016 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида кечаю кундуз ишлаб турадиган «ишонч телефони» (0 371 239-35-62), шунингдек, факс (0 371 239-42-43) ва электрон почта (ub_saylov@mail.uz) ишга туширилди.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларининг олдини олиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, улар юзасидан қонунда белгиланган қарорларни кўриш ҳамда округ, участка сайлов комиссиялари билан доимий алоқа ўрнатиши таъминлаш мақсадида 2016 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида кечаю кундуз ишлаб турадиган «ишонч телефони» (0 371 239-35-62), шунингдек, факс (0 371 239-42-43) ва электрон почта (ub_saylov@mail.uz) ишга туширилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловни кузатиш бўйича миссияси асосий гуруҳи мамлакатимизга ташриф буюриб, ўз фаолиятини бошлади. Шу ўринда мазкур ташкилотнинг расмий веб-сайтида Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертларининг Ўзбекистонга ташрифи натижалари бўйича ҳисобот эълон қилинди. Унда мамлакатимиз қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар, Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари янада такомиллаштирилгани юқори баҳоланган, Ўзбекистон сайловни халқаро стандартларга мувофиқ ўтказишга тайёр экани эътироф этилган ҳолда сайловни кузатиш бўйича тўлақонли миссия юбориш ҳақида маълум қилинган.

Миссия асосий гуруҳ билан бирга 20 нафар узоқ муддатли кузатувчи, овоз бериш кўни сайлов участкаларида кузатувни амалга оширадиган 250 нафар қисқа муддатли кузатувчидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов мамлакатимиз тараққийотининг ҳозирги босқичидаги гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, Ватанимиз келажиги, унинг янада тараққий топиши сайлов барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировардида сайловчилар қабул қилдиган қарорга боғлиқдир.

ЎЗА МУХБИРИ
НОРГУЛ АБДУРАИМОВА
СУҲБАТЛАШДИ.

◀ Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ 500 ДАН ОРТИҚ ВАКИЛИ, ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАРИЙБ 560 НАФАР МАҲАЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТҚАЗИЛДИ.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Кучли ижтимоий ҳимоя учун курашамиз»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

КЕКСАЛАРИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ!

■ ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

КИТОБНИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

Китоб туманидаги «Богбон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди.

150 қатновга мўлжалланган мусиқа ва санъат мактабининг лойиҳа қиймати 3,1 миллиард сўмни ташкил этади. Бино тарҳини «Юнусжон лойиҳа сервис» ташкилоти тайёрлаган. Қурилиш ишларини «Омад сервис қурилиш» МЧЖ амалга оширган.



— Бу ташкилот ибратли ишлари билан оғизга тушган, — дейди ҳамроҳим — «Мўъжизавий дунё» газетаси муҳаррири Салоҳиддин Исомиддинов. — Мен тоғли Обиканда қишлоғида шу ташкилот бинокорлари қурган 580 ўринли коллеж биносини кўргандим, пишиқ ва қуркам.

— Фаолиятимизга қизиқаётган экансизлар, майли, айта қолай, — деди МЧЖ бош ҳисобчиси Шавкатжон Саломов. — Ташкилотимиз 2009 йилда иш бошлаган, ҳозир 90 киши меҳнат қилаяпти. Техникаларимиз етарли. Кум-шағал, пластмасса эшик-роғлари ишлаб чиқарадиган цехларимиз бор.

— Бундай юқори сифатли гиштни қаердан оласизлар?

— Хайробоқ қишлоғида ўзимизнинг гишт заводиимиз бор, — мамнунигини яширмайди Шавкатжон. — Тупроғи соғ, шунинг учун гишти сифатли. Олдинги йили Шаҳрисабз шаҳрида 3 қаватли мусиқа ва санъат мактаби қўрди. Бюрогмачилар ишимиздан рози. Китоб туманидаги ушбу санъат маскани

қурилишига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Санъат даргоҳи қурилишида ташкилотнинг Саид Акбаров бошлиқ кичик жамоаси меҳнат қилди. Февраль ойида бошланган қурилиш октябрь ойи ўртасида ниятисига етди. Жами 1 гектар майдон девор билан ўралди. Кичик артезиан қудуғи қовланиб, сув қувурлари тортилди. Бинони иситиш учун 3 та қозон ўрнатилди. Хоналарнинг поллари керамика ва мрамор қопламали, тахтали, айримлари линолеум ва ламинат ишлатилган. Алоҳида трансформатор ўрнатиб, электр симлари тортилган.

Хоналари шинам ва ўқув жараёнига мос. Концерт зали алоҳида. Мусиқа, рассомчилик, ҳайкалтарошлик машғулотлари ўтадиган хоналарда барча зарур шароит мавжуд. Ҳадемай ўқувчилар янги мактабга қадам ранжида қилишади. Бу қошонада истеъдодли ёшларнинг янги авлоди камол топади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ТИББИЁТ

Наманганда Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт уюшмаси билан ҳамкорликда «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида вилоятдаги 11 туман тиббиёт бирлашмаларининг кўп тармоқли марказий поликлиникаларини жиҳозлаш ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш мақсадлари учун 11 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

Лойиҳа доирасида вилоятдаги барча туман тиббиёт бирлашмалари замонавий УТТ, гастродиброскоп, кардиомониторлар, зарарсизлантириш ускуналари, жаррохлик ва умумий амалиёт жамланмалари, ЭКГ ва лаборатория жиҳозлари ҳамда бошқа воситалар билан таъминланди. Янгиқўрғон ва Мингбулоқ

ЯПОН РЕАНИМОБИЛЛАРИ НАМАНГАН КЎЧАЛАРИДА

туманларига рақамли рентген аппаратлари ўрнатилди. Кўп тармоқли марказий поликлиникаларга эса 56 замонавий стоматологик жиҳозлар келтирилди.

Ҳозир Наманган кўчаларида Японияда ишлаб чиқарилган «NISSAN» русумли реанимобиллар пайдо бўлди. «Саломатлик — 3» лойиҳасига

мувофиқ олиб келинган, ҳар бирининг қиймати 92 миллион сўм бўлган мазкур тиббий транспорт воситалари бир қатор туманлар тиббиёт бирлашмаларига тақсимланди.

— Янги тиббиёт транспорт воситаларида оғир беморлар учун стационар шароит яратилган, — дейди Республика

шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази кардиология бригадаси шифокори Ғуломжон Матазимов. — Энди уларни олис туман шифохонасидан вилоят марказига олиб келишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ РЕКЛАМА



ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует
под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автоудропаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс:
(+99871) 269-15-97, (+99871) 262-34-72.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: est2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Самарканд давлат университети маъмурияти университет касба уюшма қўмитаси раиси, доцент Шавкат Махматмуродовга акаси, меҳнат фахрийси.
Ўлмас МАХМАТМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙ'АТИ:

Ҳотамжон КЕТМОНОВ

Улуг'бек ВАҒОҒЕВ

Рустам КАМИЛОВ

Саидкамол ХОДЖАЕВ

Муслиҳиддин

МУҲИДДИНОВ

Очилов РАМАТОВ

Саидҳамид РАҲИМОВ

Фаррух ҲАМРОЕВ

(Баш муҳаррир биринчи о'ринбосари)

Тат'яна КИСТАНОВА

(Баш муҳаррир о'ринбосари)

Қабулхона — 233-65-45

Хатлар ва мурожаатлар учун — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159

9848

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:17

Topshirilgan vaqti — 21:25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6